

СУРХОНДАРЁДА 16 ТА НАСОС СТАНЦИЯСИ ХУСУСИЙ ШЕРИКЛАР БОШҚАРУВИГА БЕРИЛАДИ

Президентимиз жорий йилнинг 18 апрель куни ўтказган йиғилишида сув хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш масалаларига тўхталиб, сув хўжалиги вазирлигига қарашли насос станцияларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий сектор бошқарувиغا беришни долзарб вазифалардан бири сифатида таъкидлаганди. Сурхондарё вилоятида топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси таркибидаги насос станцияларининг 16 тасини хусусий секторлар бошқарувиغا бериш бўйича ишлар бошланди.

– Яқинда вилоятда фаолият кўрсатаётган кластер ташкилотлари раҳбарлари билан йиғилиб, агрокластерлар экин майдонларини суғоришда фойдаланаётган насос станцияларини ўзларига хусусий шерикликда фойдаланишга топшириш бўйича битим туздик, – дейди Аму-Сурхон ИТХБ Давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Отабек Мингқобилов. – Шу ҳисобда шу йилнинг то август ойигача Насос станциялари ва энергетика бошқармаси таркибидаги жами 16 та насос станцияси, жумладан, Денов туманидаги «Минора», «Отқамар» насос станциялари «Surxon sifat tekstil», Жарқўрғон туманидаги «Халқобод-1», «Халқобод-2», «Халқобод-3» насос станциялари «Sag agro jarqo'rg'on», Музработ туманидаги «Жайхун», К-5, «Кўнғирот», «Янгиобод-3», «Оқтошобод-2» насос станциялари «SCT Cluster Choli», Термиз туманидаги «Ойкўл», «Аэропорт», «Янгиариқ» насос станциялари «Инденим кластер», Шўрчи туманидаги «Қораариқ», «Галашерик», «Чаёнтепа» насос станциялари «Sho'rchi Indenim cluster» МЧЖлар тасарруфига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фойдаланишга топширилади.

Айни дамларда мазкур насос станциялари лойиҳаларини тайёрлаш ва топшириш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати

манба: www.water.gov.uz